

Туманда 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши тўғрисида МАЪЛУМОТ

Туманда 15,3 минг нафар аҳоли бўлиб, шундан 7,5 минг нафар иқтисодий фаол аҳоли ва 7,1 минг нафар банд аҳолини ташкил қилади. Банд аҳолининг 4,6 минг нафар расмий секторда, 1,6 минг нафар норасмий секторда фаолият олиб бормоқда.

1. ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШ:

1. 2025 йилда асосий иқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш бўйича қуйидаги ишлар ташкил этилади.

туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 81,8 млрд.сўмни ўсиш суръати 105,0 фоизга;

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги бўйича ҳажми 616,4 млрд.сўмни ўсиш суръати 103,1 фоизга;

қурилиш ишлари ҳажми 1145,2 млрд.сўмни ўсиш суръати 102,3 фоизга;

чакана товар айланмаси ҳажми 140,3 млрд.сўмни ташкил қилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,9 фоизга;

хизматлар ҳажми 187,8 млрд.сўмни ўсиш суръати 107,0 фоизга бажарилади.

2025 йилнинг **январ-июн** ойларида қуйидаги ишлар ташкил этилди.

Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 46,9 млрд.сўмни ўсиш суръати 104,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,7 фоизга бажарилиб, яъни 5,3 млрд.сўмга купайган;

қурилиш ишлари ҳажми 565,3 млрд.сўмни ўсиш суръати 52,3 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 57,8 фоизга бажарилиб, яъни 412,5 млрд.сўмга камайган;

чакана товар айланмаси ҳажми 60,3 млрд.сўмни ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,8 фоизга бажарилиб, яъни 8,7 млрд.сўмга купайган;

хизматлар ҳажми 109,1 млрд.сўмни ўсиш суръати 113,9 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 168,8 фоизга бажарилиб, яъни 44,5 млрд.сўмга купайган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 481,1 млрд.сўмни ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 131,3 фоизга бажарилиб, яъни 114,9 млрд.сўмга купайди.

2. Жорий йилда туманда Бандлик дастурига асосан 1242 нафар янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

Шундан йўналишлар кесимида:

Қурилиш, транспорт ва коммунал соҳаси бўйича 153 та иш ўрни;

Инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисоби бўйича 319 та иш ўрни;

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш ўринлари ҳисоби бўйича 127 та иш ўрни;

Хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисоби бўйича 643 та иш ўринларини яратиш белгиланган.

Туманда жорий йилнинг январ-июн ойларида 619 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилиб, амалда 987 та иш ўринлари платформага киритилган.

шундан:

- банклар томонидан яратиладиган янги иш ўринлари 614 та иш ўрни (доимий ишга жойлаштириш 311 та, тадбиркорликка жалб қилиш 303 та).

- йирик инвестиция ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 149 та иш ўрни.

- қишлоқ хўжалиги соҳасига 192 та иш ўрни.

- қурилиш соҳасига 42 та иш ўринлари дастурга киритилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.09.2024 йилдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарорига асосан камбағаллик реесрига жами 153 та камбағал оилалар камбағалликдан чиқариш бўйича киритилган.

туманда 2024 йилда (1 боскичида) камбағаллик реесрига киритилган жами 63 та камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган 252 та хизматлардан амалда 250 та хизматлар кўрсатилган.

Жумладан, барқарор бандлик ва юқори даромад бўйича 49 та хизматлар, кафолатланган тиббий хизмат бўйича 29 хизматлар, таълим ва касб-хунарга ўргатиш бўйича 54 та хизматлар, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш бўйича 39 хизматлар, Яшаш шароитларини яхшилаш ва мослаштириш бўйича 77 та хизматлар, бошқа масалаларда 2 та хизматлар кўрсатилди.

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган чораларни кўриш орқали уларни реестрдан чиқаришга масул этиб тумандаги 13 нафар масъул ташкилот раҳбарлари бириктирилди.

туманда 2025 йилда (2 боскичида) камбағаллик реесрига киритилган жами 55 та камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган 320 та хизматлардан амалда 299 та хизматлар кўрсатилган.

Жумладан, барқарор бандлик ва юқори даромад бўйича 65 та хизматлар, кафолатланган тиббий хизмат бўйича 78 хизматлар, таълим ва касб-хунарга ўргатиш бўйича 38 та хизматлар, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш бўйича 86 хизматлар, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 32 хизматлар кўрсатилди.

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган чораларни кўриш орқали уларни реестрдан чиқаришга масул этиб тумандаги 20 нафар масъул ташкилот раҳбарлари бириктирилди.

туманда 2025 йилда (3 боскичида) камбағаллик реесрига киритилган жами 72 та камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган 255 та хизматлар кўрсатиш белгиланган.

Жумладан, барқарор бандлик ва юқори даромад бўйича 42 та хизматлар, кафолатланган тиббий хизмат бўйича 91 хизматлар, таълим ва касб-хунарга ўргатиш бўйича 52 та хизматлар, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш бўйича 70 хизматлар кўрсатилади.

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган чораларни кўриш орқали уларни реестрдан чиқаришга масул этиб тумандаги 17 нафар масъул ташкилот раҳбарлари бириктирилди.

2.ИНВЕСТИЦИЯ ЙЎНАЛИШИ:

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрлаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сонли қарорининг 5-иловасида Томди туманида 2025-2026 йилларда 55,0 млн АҚШ долларилек “олтин рудаларини қазиб олишни ташкил этиш”ва 20,0 млн АҚШ долларилек “фосфоритни бойитишни ташкил этиш”жами 75,0 млн АҚШ долларилек хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш белгиланган.

2025 йил учун умумий қиймати 70,0 млн АҚШ доллари бўлган тоғ-кон геология соҳасида 2 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Томди тумани учун 2025 йил давомида 70,0 млн АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш белгиланган бўлиб, бугунги кун ҳолатига 24,3 млн АҚШ доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2024 йил II – чорақда 25,2 млн АҚШ долларини ташкил қилган.

Хорижий инвестиция ўзлаштириш 2024-йилга нисбатан 0,9 млн АҚШ долларга 3.7 % га камайган.

1.“Aurum Global Group” МЧЖ ХК томонидан 2025 йилда 50,0 млн АҚШ долларилек олтин рудаларини қазиб олишни ташкил этиш лойиҳаси ишга тушурилиши, 400 та янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Томди туманида жойлашган Кинир (олтин) истиқболли майдонида (жами 1451,8 га) ер ажратилган.

2025 йилнинг олти ойлик якуни билан “Aurum Global Group” МЧЖ ХК томонидан завод қурилиши ва корердан фойдаланишда ишлатиладиган техникалар учун 12,7 млн АҚШ долларилек тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилди ва 140 нафар янги иш ўринлари яратилди.

“NAVOIY AGROFOS” МЧЖ ҚХ томонидан 2025 йилда 20,0 млн АҚШ долларилек фосфоритни бойитишни ташкил этиш лойиҳаси ишга тушурилиши, 100 та янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинган.

Лойиҳани амалга ошириш учун Томди туманида жойлашган “Сукетти” ОФЙ худудидаги “Шимолий Жетимтау” (фосфорит) истиқболли майдонидан (жами 2665,0 га) ер майдони ажратилган.

Жорий йилнинг олти ойлик якуни билан завод қурилиши ва корердан фойдаланишда ишлатиладиган техникалар учун 6,5 млн АҚШ долларилек тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилди ва 10 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Қолаверса бугунги кунда қўшимча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Томди туманидан рўйхатдан ўтган "ZOMIN TOMDI" МЧЖ ва "MEGA KVARTS" МЧЖлар томонидан олтин рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш учун 10 млн АҚШ долларилек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилиб лойиҳани амалга ошириш учун тегишли рухсатномалар расмийлаштирилмоқда ва Хитой Халқ Республикасидаги йирик корхоналарнинг инвесторлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

2025 йил учун белгиланган экспорт прогноз режаси 2 167 минг АҚШ доллари ташкил этиб, барчаси саноат махсулотлари экспортига тўғри келади.

Жумладан;

Жорий йилнинг январ-июн ойлари учун белгиланган экспорт режаси прогнози 720,0 минг АҚШ доллари ташкил этади.

Бугунги кунга келиб Томди тумани учун белгиланган 6 ойлик экспорт режаси 373 фоизга 2025 йил давомида белгиланган режа 2167 минг АҚШ доллари бўлса амалда бугунги кунга қадар 2685 минг АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб йиллик режа 123,9 фойизга бажарилди.

Бу кўрсаткич 2024 йил II – чорақда 444 минг АҚШ доллари ташкил қилган. Экспорт кўрсаткичлари 2024-йилга нисбатан 2,241 минг АҚШ долларга 504,7 % га ошган.

Экспортни амалга оширган корхоналар тўғрисида маълумот берадиган бўлсам булар "TOMDIBULOQ FRUITS EXPORT" МЧЖ корхонаси томонидан 552,0 минг АҚШ доллари ловия маҳсулотларини Авғонистон Республикасига ва "JI LONG WIND POWER" МЧЖ корижий корхонаси томонидан 2 133 минг АҚШ доллари автокранлар жамланмаси Азарбайжон Республикасига экспорт қилинди.

3. ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШИ:

Умумтаълим мактаблар бўйича:

Туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфида жами 18 та таълим муассасаси бўлиб, уларда жами 1619 нафар ўқувчи таълим тарбия олиб келмоқда. 17 та умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда 1 та мактабдан ташқари таълим муассасаси (Баркамол авлод болалар мактаби) мавжуд.

Баркамол авлод болалар мактабида 8 та тўғарак фаолият олиб бориб, унда 320 нафар ўқувчи тўғаракга жалб қилинган.

Туманимизда ўйда якка тартибда билим олувчилар сони 7 нафарни ташкил этади.

2024-2025 ўқув йилида умумтаълим мактабларини жами 122-нафар ўқувчи битирди ҳамда 107 нафари юртимиздаги ва хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларига ўқишга хўжжат топширган. Жорий йилда 11-синф битирувчиларининг ОТМга ўқишга кириш кўрсаткичларини 60,2% дан, 76%га кўтариш режалаштирилган.

2025 йилда 300 нафар ўқувчи “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида бепул сертификатлар олиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йилнинг июнь ойи ҳолатига 247 нафар (69%) ўқувчи сертификат олишга эришди, 5 нафар ўқитувчи ва 3 нафар ўқувчилар “курсера” профессионал ИТ курсларида ўқиб, профессионал даражадаги халқаро ИТ-сертификатлар олди.

Мактабгача таълим муассасалари йўналишида;

Туманда 2025 йил биринчи ярим йиллик ҳолатига жами: 8 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ва 1та филиал муассаса ҳамда 4та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

Туман бўйича жами 3-7 ёшдаги болалар сони 870 нафарни ташкил этиб, 632 нафар тарбияланувчи ёки (72,6%) фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Шундан 82 нафар тарбияланувчи (9.4%) фоизи “оилавий” нодавлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланмоқда. Мактабгача ёшдаги қамраб олинмаган болалар сони эса 238 нафар (27,4%) ташкил этади.

Тумандаги 6 ёшли болалар, яъни 2018 йилда туғилган болалар 179 нафарни ташкил этиб, шундан 156 нафари (87%) мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олинди.

Йил якунига қадар боғча ёшидаги болалар қамровини 76 % олиб чиқиш, бунда режалаштирилган.

ТТБ

Туманда 15318 нафар аҳоли 2152 та хонадонда истиқомат қилади, аҳолининг 7822 нафари эркаклар, 7496 нафари аёллар, 0-18 ёшгача 3964 нафар болалар, 2122 нафар туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади.

Жорий йилнинг июл ойидан бошлаб тиббиёт бирлашмаси тўлиқ тиббий суғурта тизимига ўтиши ва ҳозирги кунда DMED электрон тизим бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Тумандаги жами 15318 аҳолидан, 15295 нафар аҳоли хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасида, 1-таянч гуруҳи 5895 нафар, 2-паст хафв гуруҳ 6244 нафар, 3-паст хафв гуруҳ 2849 нафар, 4-юқори хафв гуруҳ 307 нафар аҳоли гуруҳларга ажратилиб, ҳозирги кунда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

“Д” назоратга жами 1950 нафар аҳоли рўйхатга олинган бўлиб, соғломлаштириш режалари тўзилган.

2122 нафар туғиш ёшдаги аёлларнинг 1069 нафар тиббий кўриқдан ўтказилиб, 527 нафар аёлда экстрагинетал касалликлар аниқланди. 15 мутлоқ, 512 нисбий аниқланиб, 506 нафар аёл соғломлаштирилди.

Туманда сурункали касаллиги бор 89 нафар беморлар имтиёзли ордер асосида Навоий вилоятига даволаниш мақсадида йулланма берилди, шундан: 9 нафар кўз шифохонасига, 13 нафар Эндокринология марказига, 5 нафар тери таносил касалликлар марказига, 62 нафар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига.

Тиббиёт бирлашмасида 6 ой давомида 1018 нафар бемор стационар шароитда даволанди, 49 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди, улардан 27 таси юқори технологик жарроҳлик амалиёти.

Ёшлар агентлиги

Томди тумани “ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида 8 та ОФЙда хатлов ўтказилиб, 2 минг 112 нафар ёшлар рўйхатлари шакллантирилиб, уларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўргатиш, бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва манзилли ишлаш бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

“Ёшлар баланси” асосида 81 нафар ишсиз ёшлар бўйича маҳаллалар кесимида “фуқаробай” “Ёшлар бандлиги дастурлари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

“Ёшлар бандлиги дастурлари”дан келиб чиқиб, иккинчи чорак давомида 81 нафар ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди. Шундан мавсумий ишга кирган ёшлар 2-ярим йиллик бандлик дастурига киргизилган (Шундан, 61 нафари доимий ишга жойлаштирилди 9 нафари ўзиниғўзи бан қилган). Ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 нафар ёшларга “Ёшлар дафтари” орқали 27 миллион 380 минг сўмлик ижтимоий-иқтисодий (ҳарбий хизмат бадали, меҳнат қуроллари ва бошқа) ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматга бориш истагидаги 2 нафар ёш муддатли ҳарбий хизматга жалб этилди.

“Инсон” ИХМ

Ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида амалга ошириш учун тумандаги **8 та** овул фуқаролар йиғинларида **6 нафар** ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.

Туманда **0,8 мингга** яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш ҳамда тегишли тартибда қўллаб-қувватлаш чоралари кўриб борилмоқда.

Туманда **25 нафар** ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз пенсиёнер ва ногиронлиги бўлган шахсларга **3 нафар** ижтимоий ходим ассисентлар томонидан уйда ижтимоий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Рўйхатга олинган ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслардан **16 нафари** чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, **2 нафари** амбулатов, **1 нафари** стационар ва **1 нафари** уйдаги стационар шароитда даволанди ҳамда **3 нафари**га бепул дори воситалари билан таъминланди.

Ушбу шахслардан **3 нафари**га муҳтожлигига қараб зарур реабилитация техник воситалари ва протез ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди

4 нафар ёлғиз фуқароларнинг кўшни вилоятлар ва вилоятимиздаги турли тарихий қадамжолар ҳамда дам олиш масканлари саёҳатлар ташкил қилинди.

2025-йил 1-июл ҳолатига ногиронлиги бўлган шахслар **439 нафар** (*шундан I-гурух 47 нафар 10,7 %, II-гурух 295 нафар 67,2 %, III-гурух 28 нафар 6,4 %, ногиронлиги бўлган болалар 69 нафар 13,7 %*) ни ташкил этди.

Жорий илнинг 6 ойлигида **60 нафар** шахслар реабилитация техник воситалари ва протез ортопедия мосламалари (*8 та катталар учун ўтиргичли ва ногиронлик аравачалари, 4 та эшитиш мосламалари, 48 та ҳасса, қўлтиқ таёқ ва тирсақли ҳасса, 4 та юриш мосламаси*) билан таъминланган.

Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақоботлаша олмайдиган шахсларин 2025 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисидаги қарорига асосан туман бўйича ногиронлиги бўлган шахслар учун жами 2 та квота иш ўринлари тасдиқланган бўлиб, ҳозирги кунга келиб **5 нафар** ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланган.

2025 йилнинг 1 июл ҳолатига туманда 4 та оилавий болалар уйларидан 1-сонли оилавий болалар уйида **5 нафар**, 3-сонли оилавий болалар уйида **9 нафар**, 4-сонли оилавий болалар уйида **4 нафар**, 5-сонли оилавий болалар уйида **6 нафар** болалар тарбияланмоқда. (*жами 24 нафар вояга етмаган 15 нафари ўғил болалар, 9 нафари қиз болалар таълим-тарбия олиб келмоқда*)

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг топшириғига асосан, тумандаги мавжуд жами васийлик ва ҳомийлик тайинланган болалар рўйхати шакллантириб, маълумотлар базаси яратилди. Унга кўра:

васийликка берилганлар сони - 5 нафар (чин етим – 2 нафар).

ҳомийликка берилганлар сони - 2 нафар (чин етим – 2 нафар).

Тумандаги **7 нафар** васийлик ва ҳомийликка олинган ҳамда оилавий болалар уйларидаги **24 нафар** болалар ижтимоий ходимм ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўбаси томонидан доимий равишда мониторинг қилиб келинмоқда.

Ижтимоий нафақа олувчилар **264 тани** ташкил қилиб шундан: боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчилар - **12 нафар**, 18 ёшгача болалиқдан ногиронлик нафақасин олувчилар - **57 нафар**, ёшга доир нафақасини олувчилар – **21 нафар**, ногиронлик нафақасини олувчилар- **79 нафар**, праваришлаш нафақасини олувчилар - **21 нафар**, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга ёшга доир нафақа

олувчилар - **7 нафар**ни, 1-гурух кўриш ногиронлари учун компенсация - **1 нафар**, ёлғиз кексалар - **8 нафар**, оилавий болалар уйи тарбияланувчилари - **23 нафар**ни ташкил этади.

Туманда **3 232 та** оила мавжуд бўлиб, **270 та** (шундан: “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган **193 та** ва маҳалла еттиликнинг тавсияси асосида **77 та**) оилалар ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси томонидан сўровномадан ўтказилиб **167 таси** (шундан: *Томдибулоқ 30 та, Шарқ 22 та, Ақтов 10 та, Сукетти 7 та, Кериз 15 та, Керегетов 11 та, Шиели 28 та, Аяққудуқ 44 та*) “Камбағаллик реестри”га киритилди, **103 таси** (шундан: *Томдибулоқ 21 та, Шарқ 4 та, Ақтов 5 та, Сукетти 8 та, Кериз 6 та, Керегетов 26 та, Шиели 16 та, Аяққудуқ 16 та*) рад этилди.

Шундан 2025 йил бошида “Ижтимоий ягона реестри”да 155 та оила мавжуд бўлиб, камбағаллик сўровномасидан ўтказилди. Тузилган индивидуал режаларга асосан кўрсатилган хизматлар эвазига 49 та оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, бугунги кунда 106 тани ташкил қилмоқда (*йил бошига нисбатан 31,6 фоизга қисқартиришга эришилган*).

Жорий йилда “Камбағаллик реестри”га киритилган оилаларнинг 74 нафар аъзосининг бандлиги таъминланди, 129 нафарига тиббий хизмат кўрсатилди, 59 нафар аъзоси турли хил касб ва фан тугаракларига қамраб олинди, 37 нафарининг яшаш шароитлари яхшиланди, 116 нафарига ижтимоий хизматлар кўрсатилган.

Шу кунга қарадар “Камбағаллик реестри”га киритилган оилаларнинг 98 нафар аъзосининг бандлиги таъминланди, 175 нафарига тиббий хизмат кўрсатилди, 59 нафар аъзоси турли хил касб ва фан тугаракларига қамраб олинди, 103 нафарининг яшаш шароитлари яхшиланди, 164 нафарига ижтимоий хизматлар кўрсалиши эвазига 35 та оила бугунги кунда реестрдан чиқарилган.

4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙЎНАЛИШИ:

2025 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 616,4 млрд сўмга бажариш орқали 103,1 фоизга ўсиш суръати таъминланади.

Чорвачиликда йиллик ўсиш суръатини камида 3,8 фоизга етказиш қорамоллар бош сонини 6,0 минг бошга, қўй-эчкилар бош сонини 374,1 минг бошга, паррандалар бош сонини 40,8 минг бошга, гўшт ишлаб чиқаришни 10,9 минг тоннага (тирик вазнда), сутни 4,0 минг тоннага етказиш ва 1,7 минг дона тухум ишлаб чиқаришга эришилади.

Туманда 2025 йил II-чорак якуни бўйича фермер хўжаликларида чорва мол бош сонлари йирик шохли қорамоллар 2757 бошга (104,9 %), шундан сигирлар 905 бошга (104,0 %), қўй ва эчкилар 198562 бошга (105,7 %), отлар 4666 бошга (104,9 %), паррандалар 44683 бошга (109,6 %)га ўсишига эришилди.

Тумандаги фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда гушт 1781 тонна 104,6 фоизга, сут 296 тонна 104,7 фоизга, тухум 121 минг дона 101,9 фоизга, тери 2300 дона 103,4 фоизга ўсишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПҚ-34-сонли қарори 4-банди ижроси бўйича туман ҳудудида 2025 йилда яйловларни тиклаш ҳамда уларда суғориш иншоотларини (қудуқларни) барпо этиш дастурига асосан Марказий банк маблағлари ҳисобидан 15 та тик қудуқлар (ҳар бир қудуқ казиш учун ўртача харажат 450 млн сўм ва умумий харажат 6 млрд 750 млн сўмни ташкил этади) казилиши режалаштирилган, бу кўрсаткич йил якунига тўлиқ якунланиши кўзда

тутилган. Бунинг натижасида чорва мол бош сонларини ўсиши, чорвачилик маҳсулотлари ҳажмларини ошишига эришилади.

2025 йилда умумий қиймати 5 400 млн сўмлик қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича жами 4 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, шундан қиймати 2 500 млн сўмлик паррандачилик бўйича 1 та лойиҳа, қиймати 2 900 млн сўмлик қўйчилик бўйича 3 та лойиҳалар шакллантирилиб жами 12 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланди.

Шундан 2025 йил 6 ойликда қиймати 2 900 млн сўмлик қўйчилик бўйича 3 та лойиҳа ишга туширилиб жами 8 та янги иш ўринлари яратилиди.

2025 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида жами 127 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган ҳамда шундан II-чоракда 127 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган ва бугунги кунда 176 та янги иш ўринлари яратилиб 138,6 фоизга бажарилган.

Тумандаги чорвачилик фермер хўжалиklarининг асосий вазифалари янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини сифатли ва арзон гушт маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб белгиланган.

5. ҚУРИЛИШ ЙЎНАЛИШИ:

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2024 йил 2 босқичига кўра Навоий вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” ДУК буюртмачилигида “Керегетов” ОФЙ “Ўрта кудук” аҳоли пунктида Ўртакудук овули 14-мактабга суний қопламали футбол мойданчасини ёмғир ва қор қуёшдан ҳимоя қилган қолда ёпиқ қилиб қуриш ишлари "ISTAM QURILISH" МЧЖ томонидан қурилиб битқазилиб фойдаланишга топширилган.

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2024 йил 2 босқичига кўра Навоий вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” ДУК буюртмачилигида Томди тумани 4-сонли мактаб биноси ўрнида 96 ўринли янги мактаб биносини қуриш ишлари бугунги кунда "SAMIR XONDAMIR DUNYOSI" МЧЖ томонидан қурилиш ишлари битқазилиб фойдаланишга топширилган.

Вилоят ҳокимининг 2024 йил 27 февралдаги № 02-01-137-сонли Томди туманини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалга оширилаётган вазифалар юзасидан ишлаб чиқилган йўл харитага асосан Навоий вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” ДУК буюртмачилигида Томди тумани "Ақтов" ОФЙдан "Янги-Томди" кўрғонига аҳоли хонадонлари ва 12 гектар боғни суғориш учун 3,5 км масофадан сув қувурини тортиш ишлари "ZILOL QURILISH OMAD MCHJ" томонидан қувурларни тортиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-454-сонли қарори доирасида Томди тумани Томди "Ўрмон" хўжалигида 1 та суғориш қудуғини қуриш ишлари "BUKHARA MAX STROY MCHJ" томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2025 йил 1 босқичи доирасида Томди тумани "Шиели" ОФЙ “Аққабак” овули 11-мактаб ёнидан суъний қопламали футбол майдончасини ёмғир ва қордан ҳимоя қилган ҳолда ёпиқ қилиб қуриш ишлари ""ASHRAF" МЧЖ" томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2025 йил 1 босқичи доирасида Томди тумани 15-сонли умумий ўрта таълим мактабига 1.Мактабга қозонхонасини ва иситиш тизимини капитал таъмирлаш, 2.Мактабга ташқи ва ички хожатхона қуриш, 3.5-тонналик ичимли суи хавзасини ўрнатиш, 4.Томчилатиб суғариш тизимини йўлга қўйиш, 5.Мактаб атрофига ташқи ёритиш чироқларини ўрнатиш, 6.Мактаб

Дарвозасини (замонавийсига) алмаштириш ишлари "APPLE-SERVICE ХК" томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2025 йил 1 босқичи доирасида Томдibuлок ОФЙ Ўртақудуқ кўчасида Мини волейбол майдончасини қуриш ишлари бўйича бугунги кунда тендер савдоларига қўйилган.

“Ташаббусли бюджет” дастурининг 2025 йил 1 босқичи доирасида "Шиели" ОФЙ Утемурат овули аҳолига байрам тадбирларини ўтказиш учун куз қиш мавсумига қўлай тепа қисми ёпилган, 290-ўринли (клуб) иншоат қуриш ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари бўйича бугунги кунда тендер савдоларига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарорига асосан “Навоийсувқурилишинвест” давлат муассаси буюрмачилигида “GEOQURILISHLOUINA” МЧЖ томонидан “Шиели” ОФЙ ҳудудида 1 дона суғориш кудуғи қуриш ишлари олиб борилмоқда. Буюрмачи вва пудрачи ўртасида ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2025 йил 17 мартдаги ТТШ 1-1-сонли пудрат шартномаси имзоланган. Объект қиймати-589 830 759 сўмни ташкил қилади. Пудратчи томонидан 207 м чуқурликда бурғулаш ишлари амалга оширилиб, сув чиқарилди. Бугунги кунда кудуқнинг атрофи ўралган бўлиб, насос ўрнатилган. 1 дона КТП 10/40 ўрнатиш учун олиб келинган. Шунингдек, кудуқни электр таъминоти билан таъминлаш учун бетон устунлар ўрнатилган. Ушбу объектнинг пудрат шарномасида сув чучуклаштирувчи ускуна(опреснитель) ўрнатиш кўзда тутилмаган,

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сонли қарорига асосан “Аяққудуқ” ОФЙ “Алдаберген” аҳоли пунктига 1 дона суғориш кудуғини қуриш, “Аяққудуқ” ОФЙ “Қулимбет” аҳоли пунктига 1 дона суғориш кудуғини қуриш, “Аяққудуқ” ОФЙ марказига 1 дона суғориш кудуғини қуриш ишлари бугунги кунда битқазилиб, фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, 2025 йил баҳор мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 638,1 минг дона манзарали, мевали ва бўта кўчатларини экиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 657,52 минг дона маназарали, мевали ва бўта кўчатлари экилиб, “Яшил макон” платформасига киритилиб, тасдиқланган ва 103,04% бажарилди.

2025 йил куз мавсумида туманда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жами 574,7 минг дона манзарали, мевали ва бўта кўчатлари экилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “ 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарорига кўра 2025 йилда 530 кВт қуёш панеллари ўрнатилиши белгиланган ва бугунги кунда 360 кВт қуёш панеллари ўрнатилган ва қуёш панелларини ўрнатиш ишлари давом этилмоқда.